



ISSN 2091-5187

# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ  
ЖУРНАЛ

№4/1

2024



# СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2024 йил, 4/1-сони

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис ин ститутути

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда  
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Тахририят ижодий  
жамоаси:**

**Бош муҳаррир:**

и.ф.д., проф. М.Э.Пўлатов

**Бош муҳаррир**

**ўринбосари:**

и.ф.н., проф. Д.Х.Асланова

**Масъул котиб:**

и.ф.д., проф. М.Қ.Пардаев

**Муҳаррирлар:**

и.ф.д., доцент Ф.А.Сафаров

PhD, доцент И.М.Пардаева

А.Х.Мингбоев

**Техник муҳаррир:**

и.ф.н., проф. А.Н.Холиқулов

**Корректор:**

PhD, доц. С.А.Бабаназарова

**Саҳифаловчи:**

PhD Х.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба

чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида**

**тарқатилади.**

**Тахририят манзили:**

140100, Самарқанд шаҳар,

Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

+998(97)913-74-40

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

**Тахририят кенгаши раиси:**

**М.Э.Пўлатов** – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис  
институтути ректори, и.ф.д., профессор

**Тахририят кенгаши раиси ўринбосари:**

**Д.Х.Асланова** – СамИСИ илмий ишлар ва  
инновациялар бўйича проректори, и.ф.н., профессор

**Тахрир кенгаши аъзолари:**

**Б.А.Бегалов** – Ўзбекистон Республикаси Президенти  
хузуридаги Статистика агентлиги директори, и.ф.д.,  
профессор

**М.Қ.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.К.Ғоибназаров** – и.ф.д., профессор.

**М.М.Мухаммедов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Д.Р.Зайналов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Муртазаев** – ТДИУ СФ директори, и.ф.д., проф.

**М.Р.Болтабаев** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Р.Х.Эргашев** – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

**И.С.Тўхлиев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**К.Б.Уразов** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Қ.Ж.Мирзаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.И.Исроилов** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Г.М.Шодиева** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Б.Абдукаримов** – СамИСИ профессори, и.ф.н.

**Р.Қобилов** – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

**С.Н.Тошназаров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**Р.Н.Нормахматов** – СамИСИ профессори, т.ф.д.

**А.Бектемиров** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**О.М.Пардаев** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**М.Т.Алимова** – СамИСИ профессори, и.ф.д.

**З.Дж. Адилова** – ТДИУ профессори, и.ф.д.

**Ш.О.Қувондиқов** – СамИСИ профессори в.б., иқтисод  
фанлари доктори

**Л.Н.Халикова** – СамИСИ профессори, DSc

**Ф.А.Сафаров** – СамИСИ доценти, DSc

**А.М.Каримова** – СамИСИ профессори в.б., DSc

<b>МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ</b>	
<b>Sanjarbek Komiljon o‘g‘li Boyjigitov</b> Bозor mexanizmlarini takomillashtirishda iste‘molchilarning sodiqligidan foydalanish yo‘llari	155
<b>Нилуфар Абдуазизовна Рахимова</b> Замонавий ташкилотларда бошқарув тузилмаларининг аҳамияти ва турлари	158
<b>Ирода Аминжоновна Умурзакова</b> Рекламная деятельность в экономике: проблемы и перспективы	162
<b>МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ</b>	
<b>Эркин Норматович Ходжаев, Зухур Давронович Ниёзов, Ойбек Эркинович Ходжаев</b> Молиявий ресурсларни кўпайтиришда вексель муомаласидан фойдаланиш	166
<b>БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ, ИҚТИСОДИЙ ТАҲЛИЛ ВА АУДИТ</b>	
<b>Азимжон Фаррухович Мустафоев</b> Республика миллий иқтисодиётида нодавлат таълим ташкилотларининг бухгалтерия ҳисоби субъектлари сифатидаги хусусиятлари	171
<b>Azamat Abdiraximovich Eshonqulov</b> Tarkibida sho‘ba korxonasi bor korxonalarda konsolidatsiyalashgan MНXS asosida tuzish uslubiyotini takomillashtirish	177
<b>Maуram Xamidovna Xalimova</b> Aksiyadorlik jamiyatlarining auditorlik tekshiruvida yuzaga keladigan muammolari va istiqbollari	182
<b>Заррух Умарович Мухаммадиев</b> Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида капитал инвестициялар ҳисобини такомиллаштириш: халқаро ва миллий жиҳатлар	188
<b>Dilfuza Samiddinovna Tashnazarova</b> Process costing tizimini takomillashtirish masalalari	193
<b>Iroda Boykobilova</b> Issues of bringing accounting and reporting of economic entities into line with national and international standards.	196
<b>Тоҳир Толмас ўғли Сатторов</b> Корхоналарда пайпоқ ишлаб чиқариш жараёнлари ҳисобининг хусусиятлари	201
<b>ТАЪЛИМ, КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ВА ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Дилобар Караматовна Гафурова</b> Олий таълим муассасалари рақобатбардошлиги билан боғлиқ кўрсаткичлар таҳлили	205
<b>Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova</b> O‘zbekistonning barqaror rivojlanishida bilimlar iqtisodiyotining ahamiyati	210
<b>Тимур Ибодуллаевич Ибрагимов</b> Таълим хизматлари бозорини таҳлил қилишда корреляция таҳлилини қўллаш амалиёти	214
<b>ИБРАТЛИ БИТИКЛАР</b>	
<b>Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев</b> Ҳаёт ҳақида мутафаккирлар ҳикматлари	217

# МОЛИЯ, ПУЛ МУОМАЛАСИ ВА КРЕДИТ

Эркин Норматович Ходжаев – СамИСИ, “Молия” кафедраси профессори, и.ф.н.  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган иқтисодчи.

Зухур Давронович Ниёзов – СамИСИ, “Банк иши” кафедраси доценти, и.ф.н

Ойбек Эркинович Ходжаев – Инвекция компанияси раҳбари

## МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРНИ КЎПАЙТИРИШДА ВЕКСЕЛЬ МУОМАЛАСИДАН Фойдаланиш

**Аннотация.** Ушбу мақолада қимматли қоғозлар бозорининг шаклларида бири бўлган векселлар ҳақида тадқиқотлар олиб борилганлиги ёритилган. Векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шакллари чикаришни илмий ва амалий асосда тадқиқ қилиш ва ривожлантириш зарурияти изоҳланган.

**Калит сўзлар:** қимматли қоғозлар, молия, облигация, вексель, фонд бозори, бўш пул, эмитент, бизнесни кенгайтириш, институционал, банк, пул (қарз), корпоратив, молиявий ресурслар.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 миллион АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш,<sup>1</sup> мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг зарурий шартлари сифатида эътироф этилган. Бугунги кунда қимматли қоғозлар бозорида 33 та эмитентнинг фақат облигациялари сотувга чиқарилган бўлиб (фоиз даромадлари 24 % гача), уларнинг сўндириш муддатлари бир йилдан ортиқ муддатни ташкил этиб, қисқа муддатли ликвид инструментлар бозори мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларни, яъни векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шакллари чикаришни илмий асосда тадқиқ қилиш ва ривожлантириш заруриятини юзага келтиради.

**Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.** Қимматли қоғозларнинг истеъмол қиймати шундан иборатки, улар орқали қимматли қоғоз эгаси ўз капиталини ошириш, сақлаш, корхонани бошқаришда иштирок этишдаги аниқ талабларини қондиради. Шу билан бирга, баъзи ҳолатларда қимматли қоғозларнинг алоҳида турлари (давлат облигациялари, векселлар) маълум бир қулай вазиятларда пул вазифасини – муомала ва тўлов воситасини ҳам бажариши мумкин. Ш.Ш.Шоҳаъзамий, Ф.А.Ҳамидова, Ф.Т.Муҳамедов, И.О.Мадаминовлар ўқув қўлланмада қимматли қоғозларни ҳар томонлама қулай тўлов воситаси эканлиги ҳақида юқоридаги таърифни бериб ўтганлар.

Бир қатор иқтисодчи олимлар Абдикаримова Д.Р., Жўраев О.Ш., Яхшибоев Ж.А., ўзларининг мақолаларида “Ўзбекистон амалиётида фонд бозори етарли даражада ривожланмаганлигини инобатга олган ҳолда, миллий фонд бозоримизда акциядорлик жамиятларнинг иштироки етарлича эмаслиги, инвесторлар томонидан қимматли қоғозлар сотиб олишга қизиқиш паст эканлиги, фонд биржаларида етарлича инфратузилманинг шаклланмаганлиги каби бир қатор муаммолар мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантиришда ҳал қилиниши лозим”<sup>2</sup>, бўлган масалалар кўтарилиб, 2019 йилда “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан чиқарилган маҳаллий корпоратив

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ

<sup>2</sup> Абдикаримова Д.Р., Жўраев О.Ш., Яхшибоев Ж.А. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш масалалари. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2021, 8(144)

облигацияларнинг фоиз ставкаси, ҳамда халқаро молия бозоридан капитал жалб қилиш мақсадида Лондон фонд биржасига еврооблигациялар жойлаштирилганлиги ва бу орқали 300 млн. АҚШ доллари миқдорига капитал 5 йил муддатга жалб қилинганлигини банк маълумотлари асосида таҳлил этилган.

Шунингдек, Ж.Ж.Қурбонов, С.Ў.Омонов, Д.Н.Нуралиева “...корпоратив тузилмаларда бизнесни кенгайтириш, истиқболли лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш, фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида инновацион технологияларни қўллаш каби масалаларни ижобий ҳал этишда молиявий ресурсларга эҳтиёж сезилади. Ушбу эҳтиёжларни қондиришда корпоратив тузилмалар томонидан капитал жалб қилиниши зарур”<sup>1</sup> лигини асослаганлар.

Россиялик иқтисодчи олимлардан А.А.Килячков, Л.А.Чалдаева, В.С.Торкановлар ўзларининг ишларида “қимматли қоғозлар бозори ва биржа фаолиятини такомиллаштириш, қимматли қоғозлар бозорига мавжуд молиявий инструменти билан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш масалаларини тадқиқ қилганлар”<sup>2</sup>.

Д.В.Соколов ўзининг илмий мақоласида векселдан фойдаланишнинг истиқболлигига қуйидагича таъриф бериб ўтган “Олдинда вексел операцияларини амалга оширишни ривожлантириш бўйича улкан истиқболлар турибди: векселлар биржаларини ташкиллаштириш, операцияларнинг ишончилиги ва шаффофлигини ошириш, янги технологияларни жорий қилиш. Буларнинг барчаси ишончилиги, ҳаракатчанлиги, шаффофлиги ва шунга мос равишда иқтисодий ҳозирги ва келгусидаги муносабатларга бир неча мартаба ёрдамга келувчи, янги иқтисодий функцияларни ўз ичига оладиган иқтисодий восита”<sup>3</sup>.

**Тадқиқот методологияси.** Ушбу мақолада хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма вексель шакллари чиқаришни ривожлантириш ва қимматли қоғозлардан фойдаланиш масалаларини ўрганишда илмий абстракциялаш, киёслаш, дедукция, анализ, синтез усуллари қўлланилган

**Таҳлил ва натижалар.** Мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантиришга қаратилган бир неча уринишлар амалга оширилганига қарамай, фонд бозорининг мамлакат ривожланишидаги ўрни ҳамон пастлигича қолмоқда. Айниқса, молиялаштириш манбаларида қимматли қоғозлар улуши анча паст. ЯИМга нисбатан акция ва облигацияларни чиқариш ҳажми ўртача 1,8% (1 млрд долл)га тенг.

Ўзбекистонда мустақилликка эришилгандан сўнг, иқтисодий молиялаштириш манбаи сифатида асосий эътибор банк кредитларига қаратилди. Айнан банклар аҳоли, корхона ва ташкилотлар, шунингдек, давлат маблағларини кредит асосида жалб қилувчи муассаса сифатида иқтисодийнинг реал секторига улкан сармоя киритдилар. Пул (қарз) бозорининг энг катта улуши (98 %) кредитларга тўғри келиб, уларнинг ўртача ставкаси (сўмда 28 %-30 %, валютада 9%-10 %) эди. Бу кредит олган тадбиркорнинг ишлаб чиқараётган маҳсулотларининг ўртача таннари 80-90%ни ташкил қилмоқда.

Мамлакатда мустақиллик йилларидан фонд бозори шиддат билан ривожлана бошлади. Хусусан, 1994 йилда Республика фонд биржаси ташкил этилди, 1996 йилдан 2011 йилгача давлат қимматли қоғозлари бозорининг муайян ривожланиши кузатилди, корхона ва ташкилотларнинг дебитор-кредитор қарздорликларини камайтириш имкониятлари қулайлашди. Олий ўқув юртларида соҳа бўйича мутахассислар таёрлаш ишлари жадаллик билан амалга оширилди. Марказий банкда қимматли қоғозлар департаменти ва тижорат банкларда қимматли қоғозлар бўлимлари ташкил этилди ва соҳа мутахассислари ўқитилиб малакалари оширилди.

<sup>1</sup>Ж.Ж.Қурбонов, С.Ў.Омонов, Д.Н.Нуралиева. Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки. // Иқтисод ва молия, 2021, 1(137). – 9 бет.

<sup>2</sup>Килячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономистъ, 2005 г. – 687 с.;

<sup>3</sup>Соколов Д.В. Государство и право вестник чебоксарского кооперативного института. 2010. № 1 научной статьи по истории и археологии <https://cyberleninka.ru/journal/n/yuridicheskaya-nauka-i-praktika-vestnik-nizhegorodskoy-akademii-mvd-rossii>

Маблағларни жалб этиш мақсадида, капитал истеъмолчилари қимматли қоғозларни муомалага чиқаради ва уларни сотиш натижасида ишлаб чиқариш (савдо-сотик, молиявий фаолият ва ҳ.к.) жараёнини амалга ошириш учун маблағ олади. Капитал истеъмолчилари (эмитентлар) ва етказиб берувчилари (сармоядорлар) ўртасидаги муносабатлар қайтарилиш, тўловлилик ёки мол-мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини ўтказиш шартлари билан амалга оширилади. Шундай қимматли қоғозларнинг бир расмий ҳужжати вексель бўлиб ҳисобланади.

Вексель — вексель берувчининг ёхуд векселда кўрсатилган бошқа тўловчининг векселда назарда тутилган муддат келганда вексель эгасига муайян суммани тўлашга доир қатъий мажбуриятини тасдиқловчи ноэмиссиявий қимматли қоғоз<sup>1</sup>.

Вексель векселда тўловчи сифатида кўрсатилган шахснинг вексел эгасига кўрсатилган суммани тўғридан-тўғри векселда кўрсатилган санада тўлаш бўйича сўзсиз мажбуриятини тасдиқлайди<sup>2</sup>.

У универсал тўлов, кредит ва ҳисоб воситаси бўлиб, халқаро савдода тўлов мажбурияти; қисқа муддатли (6 ой) тижорат-кредит воситаси; банклараро узоқ муддатли муносабатларни шакллантирувчи восита; банклардан ссуда олиш учун гаров (шунингдек, тижорат банки марказий банкдан ссуда олишда берадиган гаров) тарзида кенг қўлланиладиган қимматли қоғоз.

Вексель ҳисоб воситаси ва айирбошлаш ҳужжати сифатида Европа мамлакатларида XVII-асрда шаклланди. XIX-асрнинг охиридан бошлаб Туркистондаги хусусий тижорат банклари савдо-сотикда вексель муомаласини кенг йўлга қўйган. Собик Иттифокда, шу жумладан Ўзбекистонда вексель янги иқтисодий сиёсат даврида (давлат ҳамда кооператив корхоналар ўртасидаги муносабатларда) ҳам ишлатилган. 1930—32 йиллардаги кредит ислохотида бевосита мақсадли банк орқали кредитлашга ўтилиши билан мамлакат ичида вексель муомаласи тугатилган.

Мустақил Ўзбекистонда Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги қонунига мувофиқ, 1994 йилдан бошлаб Векселларни чиқариш ва уларнинг муомаласи механизмини такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг шартнома мажбуриятларини бажаришлари учун молиявий жавобгарлигини ошириш, улар чиқарган векселларнинг пули ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида<sup>3</sup> Ўзбекистонда векселлар муомалага киритилди. Векселлар нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширишнинг энг қулай воситаси сифатида корхона ва ташкилотларда кенг қўлланилди.

1995-1996 йилларда 3,4 млрд сўмлик қоғоз шаклида чиқарилган векселларни муомаладаги массасини назорат қилинмаганлиги ва тартибга солинмаганлиги, кўп миқдорда (*ҳужжат шаклида чиқарилган*) векселларнинг сохталаштирилиши ҳолатлари, ҳамда уларнинг мулкий таъминланмаганлиги сабабли 1997 йил май ойидан бошлаб хўжалик юритувчи субъектларига фақат Ҳукуматнинг қарорларига мувофиқ векселларни чиқарилиши тартиби белгиланганлиги ортидан уларнинг муомаласи тўхтатилган.

Векселлар муомаласининг ҳуқуқий асослари бугунги кунда анча эскирган, чунки векселларнинг ўзи 2015 йилдан бери амалда қўлланилмаган. Шу муносабат билан векселлар билан операцияларни амалга ошириш жараёнини тартибга солувчи деярли барча ҳужжатлар ўз кучини йўқотди. Ҳозирги вақтда қарз ҳужжатларининг қонунчилик тартибга солувчиси Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 июлдаги “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги ЎРҚ-163-сон Қонунига кўра қимматли қоғозларнинг акциялар, облигациялар, жамғарма (депозит) сертификати, чек, депозитар тилхати, ғазначилик мажбуриятлари, ипотека, вексел каби турларини ўз ичига олади ва 2022 йилдан биржа

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ-387-сонли Қонуни.

<sup>2</sup> “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида” ЎРҚ-163-сон Қонун. 2008 йил 22-июл.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 19.03.1997 йилдаги ПФ-1738-сон.

облигацияси жорий этилди<sup>1</sup>.

**Хулоса ва таклифлар.** Ўтказилган таъқиқотларга таянган ҳолда биз шундай хулосага келдикки, олдин йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этган ҳолда дастлаб товар векселларни чиқаришга, яъни товар ишлаб чиқариш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун, оддий векселларни эса (икки субъект ўртасидаги ўзаро мажбуриятларни бажариш учун) электрон шаклда чиқариш бунда, корхонанинг ўз маблағларининг етарлилиги бўйича маълумотлар солиқ органларининг электрон базалари билан интеграция қилиниши асосида амалга ошири, ҳамда Истикболли лойиҳалар миллий агентлигида рўйхатдан ўтказиш, уларнинг ҳисоби Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан юритишни амалга ошириш (чизма иловада) орқалигина дастлабки ижобий натижаларга эришиш мумкин.

*Векселларни муомалага киритиш бўйича таклифлар.*

1) дастлабки босқичда (2024-2025 йилларда):

а) Векселларни тадбиркорлик субъектларининг юқори барқарорлик рейтингига (“AAA” – 483 та, “AA” – 1 454 та, “A” – 2 211 та) киритилган корхоналарга улар соф активининг 50 фоизига қадар 1 йилгача бўлган муддатда чиқариш;

б) фақат товар векселларни чиқаришга, яъни товар ишлаб чиқариш мақсадида айланма маблағларини тўлдириш учун чиқариш;

в) оддий векселларни (икки субъект ўртасидаги ўзаро мажбуриятларни бажариш учун) электрон шаклда чиқариш. 1 расм.

Векселларнинг шартлари **рўйхатдан** ўтказилади



**Расм 1. Векселларни муомалага чиқариш схемаси**

**Афзалликлари:**

- ишлаб чиқарувчилар айланма маблағлар билан қисқа муддатда (3 кунда) таъминланади (*ишлаб чиқариш цикли давом этади*);

- корхона ўзининг молиявий шароитига мос шартларда маблағ жалб этади (*кредит ставкалари қатъий белгиланган*);

<sup>1</sup> Манбаа: <https://www.bss.uz/article/1276-immatli-oozlar-bozori-veksellar-nima>.

- ишлаб чиқариш учун арзон маблағлар жалб қилиш имконияти яратилади (*товарлар таннархини пасайишига таъсир кўрсатади*).

Ишлаб чиқарувчиларга векселларни корхонанинг ўз маблағлари доирасида 90 кунгача бўлган муддатга чиқариш.

Бунда, корхонанинг ўз маблағларининг етарлилиги бўйича маълумотлар солиқ органларининг электрон базалари билан интеграция қилиниши асосида амалга ошириш.

Векселларни чиқариш ва бозорини ташкил этиш валюта биржасининг бирламчи ва иккиламчи савдоларида ташкил этиш.

2) кейинги босқичда (2026 йилдан бошлаб):

Векселларни барча хўжалик юритувчи субъектлар томонидан оддий ва ўтказма шакллари чиқариш.

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги ЎРҚ-387-сонли Қонуни. 2015 йил 3 июн

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси тўғрисида ПФ-60-сонли Фармони. 2022 йил 28 январ

3. Республикада вексель муомаласини тартибга солиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, ПФ-1738-сон 1997 йил. 19.03.

4. Абдиқаримова Д.Р., Жўраев О.Ш., Яхшибоев Ж.А. Ўзбекистонда фонд бозорини ривожлантириш ва акциядорлик жамиятларини қимматли қоғозлар орқали молиялаштириш масалалари. ИҚТИСОД ВА МОЛИЯ / ЭКОНОМИКА И ФИНАНСЫ 2021, 8(144)

5. Киячков А.А., Чалдаева Л.А. Рынок ценных бумаг и биржевое дело: Учеб. пособие. 2-е изд., с измен.-М: Экономистъ, 2005 г. – 687 с.;

6. Ниёзов З. Д., Максудов О. Ш., Каримова А. М. Кредитная поддержка инновационного развития деятельности турпредприятий //SCHOLAR. – 2023. – Т. 1. – №. 32. – С. 171-179.

7. Соколов Д.В. Государство и право вестник чебоксарского кооперативного института. 2010. № 1 <https://cyberleninka.ru/journal/n/yuridicheskaya-nauka-i-praktika-vestnik-nizhegorodskoy-akademii-mvd-rossii>

8. Shoha'zamiy Sh. [va boshq. Qimmatli qog'ozlar bozori: o'quv qo'llanma . — Toshkent: Noshir, 2012. 224 b.-9 bet.

9. Қурбонов Ж.Ж., Омонов С.Ў., Нуралиева Д.Н. Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал. инвесторлар иштироқи. // Иқтисод ва молия, 2021, 1(137). – 9 бет.

<p><b>Э.Ходжаев, З.Ниёзов, О.Ходжаев</b>  <b>Использование вексельного обращения при увеличении финансовых ресурсов</b>  <b>Аннотация.</b> В данной статье рассматриваются вопросы связанные с рынком ценных бумаг, в частности векселей. В ней обоснована необходимость исследования и разработки векселей всеми хозяйствующими субъектами на научной и практической основе выпуска простых и переводных видов.  <b>Ключевые слова:</b> ценные бумаги, финансы, облигация, простой вексель, фондовый рынок, свободные деньги, эмитент, расширение бизнеса, банк, деньги, корпорация, финансовые ресурсы.</p>	<p><b>E.Khodjaev, Z.Niyozov, O.Khodjaev</b>  <b>Use of promissory notes circulation when increasing financial resources</b>  <b>Abstract.</b> This article discusses issues related to the securities market, in particular bills of exchange. It substantiates the need for research and development of promissory notes by all economic entities on a scientific and practical basis for the issue of simple and transferable types.  <b>Keywords:</b> securities, finance, bond, promissory note, stock market, free money, issuer, business expansion, bank, money, corporation, financial resources.</p>
---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят  
бўлимида нашрга тайёрланди.

20.11.2024 йилда теришга берилди. 05.12.2024 йилда босишга рухсат этилди.  
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84<sub>1/8</sub>. “Times” гарнитураси. Офсет  
босма усули. Шартли босма табағи 15,76. Ҳисоб-нашриёт  
табағи 13,75. Адади 100 нусха. Буюртма № 0134А/24

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Лицензия № 025316.  
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2024.